



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 23 октябрь, № 206 (5121)

Шанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва ички ишлар идоралари ходимлари соғлиқини муҳофаза қилиш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Усманов Хашим Хамитович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тиббиёт бошқармаси марказий госпитали бошлиғи

Тинчликни, барқарорликни ва жамоат тартибини таъминлашдаги кўп йиллик шавқатли меҳнати ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун қуйидагилар мукофотлансин:

#### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Эсанов Адхам Абдукахорович** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси тергов ҳибсхонаси бошлиғи

#### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Джурев Комилжон Махаммад-жанович** — Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармаси ҳарбий-лаштакорлар ёнги хавфсизлиги отряди бўлими командир

**Умаров Азамат Батирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси милиционер

#### «Дўстлик» ордени билан

**Кириллов Валерий Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси цех бошлиғи

**Тен Максим Александрович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнги хавфсизлиги бошқармаси гуруҳ бошлиғи

**Якубович Александра Дмитриевна** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасаси бўлим бошлиғи

#### «Жасорат» медаллари билан

**Абдурахмонов Валижон Қобуллович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони гуруҳ командири

**Билолхон Нурилло Сайдуллаевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш бўлими гуруҳ вакили

**Болтабоев Тулдин Турдибекович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

**Жўраев Улугбек Тўрабекович** — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлими жазони ижро этиш бўлими гуруҳ вакили

**Қабуллов Шухрат Айтбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар бошқармаси тергов ҳибсхонаси бўлим катта тезкор вакили

**Қурбоналиев Мирзажон Юлдашалиевич** — Андижон вилояти Шахрихон тумани ички ишлар бўлими жазони ижро этиш бўлими гуруҳ вакили

**«Содиқ хизматлари учун» медаллари билан**

**Арипов Абдуғани Маджитович** — Давлат фельдшерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта офицери

**Баротов Насриддин Хожиёвич** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи

**Исаев Исрол Мардиевич** — Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Исакова Ленора Тухтамуратовна** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Исмаилов Бахрам Жуманазарович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бўлими бошлиғи

**Қурбоннов Тўйғун Облоевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш муассасаси бошқармаси ўринбосари

**Қурбоннов Фарход Жўраевич** — Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ички ишлар бўлими бошқармаси ўринбосари

**Рахмонов Холмаат Рахимович** — Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Саиджонов Каримжан Пазил-жанович** — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси Андижон бекатидagi тarmoқ ички ишлар бўлими воғга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш гуруҳи катта инспектори

**Таджибаев Дилшод Джурабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий сафарбарлик ва фуқаролар муҳофазаси бўлими ўта муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

**Тураходжаев Нажиддин Садирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижа чиқиш, келиш ва фуқароларнинг расмийлаштириш бошқармасининг Республика маркази бошлиғи

**Турдалиев Шухрат Акбарович** — Фарғона вилояти Тошқоқ тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Холиқов Сирождиддин Юлдашович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бошқармаси катта инспектори

**«Шухрат» медаллари билан**

**Бибитов Хаким Кузикулович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси жазони ижро этиш бўлими жазони ижро этиш муассасаси бўлим бошлиғи

**Вафаев Акбар Ахматович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони гуруҳ командири

**Дусназов Шавкат Акрамович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

**Садуллаев Азиз Асадович** — Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Сейдинасеров Сейдибахит Сейткасимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида кўриқлаш батальони милиционер

**Сейтинязов Мирзабай Сапарович** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими инспектори

**Тагаев Эркин Ибадуллаевич** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси кинология хизмати бошқармаси ўринбосари

**Тўраев Акмал Жўраевич** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси кичик инспектор-кинолог

**Хўрозов Олимжон Болгаевич** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони махсус отряди инспектори



Ислоҳот

## ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ

Бугун Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёт тизими ривожига қаратилаётган юксак эътибор замирида фаровон келажақни таъминлашдек эзгу мақсад мужассам эканлиги барчамизга аён. Зеро, шундай беқиёс гамхўрлик самараси ўларoқ, юртимиздаги барча тиббиёт муассасалари замонавий қиёфа касб этиб, энг сўнгги румуддаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Мухими, ушбу масканларда малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасига таяниб, ҳаққон ҳолда, хасталикларга ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш, самарали муолажа усулларида кенг фойдаланишга эришилаётди.

Республика иختисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази фаолияти ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Ушбу шифо муассасаси давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 26 февралдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиё минтақасида мазкур йўналишдаги ягона марказ ҳисобланади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

Ушбу мақолада мусулманнинг моддий-техник базаси мустаҳкам, мутахассислари эса юқори малакалидир. Шунга яраша тиббий хизмат ҳам ишончли ва сифатли. Бундай натижага эришиш

учун қарийб 15,06 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилди. Пировада шифохона 150 қатновга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси ва 185 ўринли стационарга эга бўлди. Этиборлиси шундаки, минтақамизда биринчилардан бўлиб мазкур клиника таркибида махсус бўлимлар очилди.

— Яратилган шарт-шароитлардан барча мамнун, — дейди марказ директори Равшанбек Қурбоннов. — Яқинда 250 қатновга мўлжалланган маслаҳат поликлиникасининг янги биноси ишга туширилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса, табиийки, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш имконини беради. Мутахассисларимиз тажрибаси, улар қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳам

фахрланса арзиғулқидир. Улар эришган натижалар бугун хорижда ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда, ўрганилмоқда. Ҳар йили пойтахтимизда бўлиб ўтадиган кардиология сўездларига ташриф буюрадиган чет эллик олимларнинг эътирофлари, ҳамкорлик ҳақидаги таклифлари фикримизга далил бўла олади. Қолаверса, жорий йилнинг 28-29 октябр кунлари ўтказилган VI сўездда қатнашувчи меҳмонлар сафи кенгайганидан ҳам бундан аниқроқ қийин эмас.

Дарвоқе, бугунги кунда марказда 11 нафар фан доктори, 35 нафар фан номзоди, 26 нафар олий тоифали шифокор-кардиолог меҳнат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: шифокор Нигора Ботирова ва ҳамшира Гулчехра Нуриддинова.

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Тошкент давлат техника университетида «Иновация — 2010» XV халқаро илмий-амалий анжуман ўз ишани бошлади.

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент давлат техника университети ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан уюштирилди.

Анжуманда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан саноат соҳаси вакиллари, тадбиркорлар, олим ва тадқиқотчилар, истеъдодли ёшлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар мутахассислари иштирок этмоқда.

Хозирги даврда инновацион технологиялар энг муҳим стратегик ресурслардан бирига айланган. Ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши, янги саноат ва молиявий

технологияларнинг амалиётга жорий этилиши, инвестиция инфратузилмасининг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ошиши, экспортга йўналтирилган, импорт

алоқадорлиги шундан далолат берадики, энг жиддий натижаларга юзлаб, услублар ва ишланмаларнинг ўзаро бирикishi, турли илмий йўналишлар ва ҳар хил соҳадаги изланишларнинг уйғунлиги асосида эришиш мумкин. Мазкур анжуман ҳам Ўзбекистоннинг инновация тараққиёти жараёнларини янада жадаллаштиришга доир стратегик муҳим вазифаларни ҳал қилишда саноат соҳаси вакиллари, олимлар, тадбиркорлар сый-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 4-бетда).

## АҲИЛЛИК — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ҳамжихатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш масаласига доимий эътибор қаратилаётгани мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили бўлаётди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла институтининг жамиятдаги муваққат мустаҳкамланиши, давлат ва жамоат ташкилотлари, айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорлиги кучайтирилгани халқимиз тинчлиги ва фаровонлигига йўналтирилган ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Хозир маҳаллалар, қишлоқ ва овулардаги милиция таянч пунктлари фаолияти қамровининг тобора кенгайиб бораётгани ана шундай хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда. Профилактика инспекторларининг маҳаллалар фаоллари билан бир бинода, ўзаро

ҳамкорликда иш олиб бораётгани турли ишлаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётди.

— Яратилаётган кенг шарт-шароит ва имкониятлардан

унумли фойдаланилаётгани, жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ўтказилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирлар

муваффақиятлар омили бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фанишер Эшонкулов. — Ана шундай сый-ҳаракатлар натижасида 2009 йилда 2,5 мингдан ортиқ, жорий йилнинг 25 октябрга қадар 3,1 мингдан зиёд маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Мавжуд 3,5 мингдан ортиқ

милиция таянч пунктнинг 75 фоиздан кўпроғи атрофида факультатив тўғралақар, 71,2 фоизининг ҳузурда кичик бизнес шохобчалари ҳамда қарийб 85 фоизининг қошида спорт анжуманлари билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган. Бу имкониятлар маҳалланинг каттаю кичигина, айниқса, воғга етмаганлар, ёшлар ва аёлларни фойдали меҳнатга, машғулотларга жалб этишга йўл очмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 22 октябрь

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ишлаб чиқарувчи корхоналарга кенг солиқ имтиёзлари берилганлиги ва уларни кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш кенгайтирилганлиги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12 фоизга ўсишини таъминлагани алоҳида таъкидланди. Маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, "Ўзбекенгил-саноат", "Ўздонмаҳсулот" компаниялари, "Ер-мой ва озик-овқат саноати", "Ўзэлтханаоат", "Ўзбекчарм-пойабзали" уюшмалари, "Ўзфарм-саноат" концерни, бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари олдида озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, улар билан ички бозорни янада тўлдириш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мевасабзаёт маҳсулотларининг асосий турларини ва картошкани зарур ҳажмларда гамлашни яқунлашни жадаллаштириш, шунингдек, қиш-бахор даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли тарзда қондириш мақсадида гамланган захиранинг тизимли равишда бозорга чиқарилишини таъминлаш топширилди.

Мажлисда иқтисодий тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати кўриб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирилар, идоралар, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзтрансгаз" компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг

2010 — 2011 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор иш-лашини, шу жумладан, газ етказиб берувчи ва энергия билан таъминлайдиган объектларнинг барқарор иш-лашини, табиий газ ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетди лойиҳасини таҳлил қилиш мажлиси қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Муҳокама қилиш давомида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қурилиш-монтаж ишлари ва хизматлар ҳажми ўсишининг барқарор юқори суръатлари сақланиб қолишини, инфляция даражасининг ошиб кетмаслигини назарда тутадиган 2011 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича тақдирлари кўриб чиқилди ва умуман қўллаб-қувватланди.

Кўриб чиқиш жараёнида 2011 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Давлат бюджети лойиҳасида иқтисодийта солиқ юқини янада қисқартириш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ўстириш, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишининг манзилли бўлишини кўчайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва фанни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш назарда тутилганлиги қайд этилди.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш доирасида микрофирмалар ва кичик корхоналар

учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини 7 фоиздан 6 фоизгача пасайтириш ҳамда уни тўлашнинг тақомиллаштирилган тартибининг жорий этиш назарда тутилмоқда.

Солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган жисмоний шахслар даромадига солиқнинг биринчи шаклиси (5 та минимал иш ҳақи миқдорига ҳаддан ташқари) бўйича ставкани 11 фоиздан 10 фоизгача пасайтириш ва иккинчи шаклиси (5 дан 10 та минимал иш ҳақи миқдорига ҳаддан ташқари) бўйича 17 фоиздан 16 фоизгача пасайтириш аҳоли даромадига солиқ юқини янада камайтиришни таъминлайди. Жисмоний шахслар даромадига солиқ ставкаларини камайтириш бўйича тақдирлари мажбурий мазкур чоралар натижасида ишловчи аҳолининг барча гуруҳлари амалда манфаат қўради.

Муҳокама натижалари бўйича Вазирилар Маҳкамаси томонидан 2011 йил учун макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий кўрсаткичларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини умуман маъқуллаш ва уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилди. Меҳнат бозорини барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг 9 ойида 784,9 мингта, шу жумладан, қишлоқ жойларда 502,4 мингта янги иш ўрни яратилганлиги қайд этилди.

Аҳоли бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни фаол давом эттиришнинг муҳимлиги ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, республика Хукумати мажлисда 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Муҳокамада Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси сенаторлари ва депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари депутатлари қатнашдилар.

Мазкур Дастур лойиҳасида 2011 йилда қўшимча равишда 956,2 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига 477,8 мингта, қасанчиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобига 216,2 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 72,8 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилди.

Қорхоналар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, барча даражалардаги ҳокимликларнинг раҳбарларига янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларини амалий ҳал қилиш ва шу асосда одамларнинг даромадлари, фаровонлиги ва ҳаёт сифатини янада юксалтириш учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси маъқуллаш ва уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қиритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Республика Хукумати мажлисига қиритилган масалаларни муҳокама қилиш якунари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларда республика Хукуматининг жорий йил 29 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислол Каримов томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари бажарилишини сўзсиз таъминлаш, келгуси йилда иқтисодий барқарор ривожлантириш учун ишончли қафолатлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(Ў.А.)

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ахборот-кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди.

## МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ ТАРҒИБОТИ

### Бунда ахборот-кутубхона фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда халқимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, улардан, айниқса, ёш авлод тарбиясида самарали фойдаланиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди. Хусусан, ахждоқларимиз тафаккури нишониси бўлган энг қадимги тошбитиклар ва халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минглаб кўлемлар, тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, мейморлик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид қimmatбахо асарларни сақлаш ҳамда тарғиб қилишда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурсларининг ўрни беҳисоб бўлаётди.

Очик мулоқот тарзида бўлиб ўтган анжуманда сўз олганлар давлатимизда раҳбарнинг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида" 2006 йил 20 июндаги қарори мамлакатимиз ахборот-кутубхона тармоғининг ривожланишида муҳим омил бўлганини алоҳида қайд этилди. Мазкур ҳужжат эълон қилинганидан сўнг барча худудларда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, аънавий кутубхона хизматида замонавий ахборот технологияларига асосланган ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга асос солинди.

Кўрилган чоралар натижасида республикаимизда ахборот-кутубхона муассасаларининг умумий сони 11850 тадан ошди. Биргина жорий йилнинг ўзида уларнинг фаолияти учун Давлат бюджетидан 47 млрд. сўмдан ортқ маблағ ажратилди. Шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида республикада электрон кутубхона тизимини бошқичма-бошқич шакллантириш ва интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш бўйича 2010 — 2015 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Унга асосан, Давлат бюджети, ижрочилар ва ҳомийлар ҳисобидан 89 млрд. сўм маблағ жалб этилиши кўзда тутилган.

Шу кунларда парламент қўйи палатасида кўриб чиқилган "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш, соҳанинг ҳуқуқий асосини муштаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Видеоконференция кўри-нишида ташкил этилган очик мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги ахборот-кутубхона муассасаларининг раҳбар ва мутахассислари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва амалий тақдирларини билдирдилар. Жумладан, мутахассислар ўз амалий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасини маромига етказиш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш, соҳага замонавий усулларни кенг жорий этиш, кутубхоналарнинг аҳоли интеллектуал, маданий, маънавий савиясини оширишдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш, таълим муассасалари ҳузуридаги ахборот-ресурс марказларини миллий ахборот ресурслари билан бойитиш, уларни "ZiyoNET" ахборот тармоғига улаш бораида аниқ тақдирлар билдирдилар.

Анжуман якунида муҳокама этилган масала бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қобил ХИДИРОВ.

## АҲИЛЛИК — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Камолон маҳалласида ҳам бир киши ўз қизиқлиги, интилишига мос иш топиши, ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар мавжуд. Унга ақин миллат ва қилларидан иборат тўрт мингта ақин аҳоли истиқомат қилаётган бу маскан, аввало, обод ва шаршталлиги билан эътиборни тортади.

Мазкур маҳалла миллиция таянч пункти моддий-техник базаси замон талабларига мос тақомиллаштирилди. Бу эса маҳалла профилактика инспекторларининг талаб даражасида хизмат қилиши, орти оқибатдаги таъминлаш йўлидаги фаолияти самарадорлигини янада оширмоқда. Инспекторлардан бири — Уктам Давлатов "Жасорат" медали соҳибига бўлган ҳам бу фикрини тасдиқлайди.

— Ҳар бир оила, унда яшаватган ҳар бир инсонга алоҳида эътибор билан муносабатда

бўлиш, уй-рўзгор ташвишларидан хабардор бўлиб туриш муаммоларини олдин оғишда муҳим ўрин тутди, — дейди Камолон маҳалласи оқсоқоли Бахтиёр Султонов. — Профилактика инспекторларимиз билан шу мақсадда маҳаллаимиздаги жондорларда тез-тез бўлиб, суҳбатлар уюштирамиз. Қўмакка муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзамиз. Шунинг учун ҳам аҳоли маҳалла ҳаёти билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этади. Бундай ҳамжамиятлик маҳаллаимиз соҳудайи, жондорларимиз, юртимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Норгул АбДУРАИМОВА, Ў.А. мухбири.

**СУРАТДА:** Камолон маҳалласи профилактика инспектори Уктам Давлатов ва 34-мактаб бошланғич таълим ўқувчиси Адиба Сатдуллаева ўқувчилар диванларида.

Мухаммад АМИН олган сурат.

## ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ САОДАТ



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Кардиология соҳасида мутахассислар малакаси замонавий технологиялар тилини тушуниш билан белгиланади. — дейди бўлим мудир Озод Хўжаев.

— Бу борада бизнинг қўлгилмиз тўқ. Энг сўнги русумдаги тиббиёт жиҳозлари, хусусан, юрак-қон томир касалликларини таш-хислашда ишлатиладиган автоматлаштирилган биокимёвий аппаратлар, юракнинг қон ҳайдаш жараёнини экранда кўрсатиб берувчи эхокардиограф, ички аъзоларни текширишда

қўлланиладиган ультратовуш жиҳозларидан унумли фойдаланмоқдамиз.

— Бу каби илгор тажриба соҳага инновацияни давлолаш услубларини татбиқ этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Масалан, марказда 2008 йилдан бошлаб баъзи турдаги юрак аритмияларини махсус радиочастотали тўлқинларни қўллаган ҳолда давлолаш йўлга қўйилди. Шунингдек, юрак урши сустлашган беморларга кардиостимулятор қўйиш, юрак ритмининг мувозанатга келтиришда кардиоревизи усули самарали қўлланилмоқда. Айни пайтда яна ангиогра-

фия (томирларнинг ички ҳолатини ўрганиш) услубида фойдаланиш бораида қизгин тайёргарлик кетапти. Бу услуб юрак тож томир-рига контраст суюқлигини юбориш орқали юрак томирларида торайган жойлар бор-йўқлигини аниқлаш имконини беради. Шу асосда беморни тегиз давлолаш, зарур ҳолларда эса жароҳат қилиш билан хасталиқни барқарор этиш мумкин. Қисқа ва айтаман, марказ мутахассислари ана шундай изла-нишлар билан юракка маҳкам қалбга умид бериш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

С. МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Х. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЪНАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2011 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2010 йилнинг 25 октябритдан 2011 йилнинг 25 январигача белгиланганлиги маълум қилади.

**Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти**га куйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқро таъқид қилган, жаҳон миқёсида эътибор этилган фундаментал тадқиқотлар, жаҳоннинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, иختиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидаги энг илгор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);
- республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва ҳорижий мамлакатларда эътибор этилган фундаментал тадқиқотлар, жаҳоннинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир қўрган иختиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илгор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

**Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти**га куйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

- республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга бекиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик томонидан ҳамда халқро миқёсида эътибор этилган, энг юксак баъдий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);
- республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва иқдорлар томонидан эътибор этилган, юксак баъдий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва қондага қўра, битта шахсга берилади. Давлат мукофоти тавсия этилган ишда бир неча шахсининг ҳиссаси халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Давлат мукофоти хукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тарихида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти тавсия этилган ишда қандайдир муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда дав-

латлар жамоасига фақат ишчи бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси тарихига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси тарихига вафот этган, лекин ишнинг бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофоти хукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тарихида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти тавсия этилган ишда бир неча шахсининг ҳиссаси халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда дав-

латлар жамоасига фақат ишчи бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси тарихига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси тарихига вафот этган, лекин ишнинг бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофоти хукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тарихида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти тавсия этилган ишда бир неча шахсининг ҳиссаси халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда дав-

латлар жамоасига фақат ишчи бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва халқ қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси тарихига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси тарихига вафот этган, лекин ишнинг бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофоти хукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тарихида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича: 100047, Тошкент шаҳри, Яхъ Гуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона. Тел.: (371) — 233-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича: 101129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 17-хона. Тел.: (371) — 239-49-57, 244-41-34.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши

ЖАҲОН 24 соат ичида Энг катта қовоқ

АҚШнинг Висконсин штатида яшовчи Крис Стивенс дунёдаги энг катта қовоқ етиштирди. Унинг вази 820 килограмм 200 граммни ташкил этади.

Дард устига чипқон Гаитида тарқалган вабо эпидемияси кўплаб одамлар ҳаётига хавф солмоқда.



Бир неча кун ичида эпидемия 138 кишининг умрига зомин бўлган. Қариб бир ярим минг нафардан ортиқ одам у билан касалланганлиги маълум бўлди.

5000 ёшли эшик Швейцариянинг Цюрих шаҳрида олиб борилган археологик қазималар чоғида қадимий эшик топилди.

Келтирилишича, мазкур топилма 5000 ёшда бўлиб, Европа ҳудудидан аниқланган шундай ашёлар ичида энг қадимийси ҳисобланади.

«Ричард» хавотир уйғотмоқда Қариб ҳавзасида пайдо бўлган «Ричард» тўғони Мексика кўрғазига жиддий талафотларни келтириб чиқариши мумкин.

Хозир табиий офат мазкур ҳудуд томон ҳаракатланмоқда. Маълумки, кўрғазда кўплаб нефть қазиб олиш платформалари жойлашган. Мутасаддилар уларга шикаст етишидан хавфсизлашмоқда.

Даромади ошди Электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Philips Electronics» корпорацияси жорий йилнинг учинчи чоригани мўмай даромад билан якунлади.

Бу ҳақда «The Market Watch» наشري хабар тарқатди. Муассаса мазкур даврда 728 миллион АҚШ доллари миқдоридан даромад кўрган.

Иш ўринларини қисқартирмоқчи Мобиль алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи Финляндиянинг «Nokia» компанияси 1800 нафар ходимини ишдан озод қилмоқчи.

бозорида унчалик харидорғир бўлмапти. Натияжада муассасанинг мавқеи «iPhone» ва «Blackberry» каби компанияларга нисбатан пасайиб бормоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Дунёда турли мақсад ва вазибаларни кўзда тутиб, фаолият юритувчи ташкилотлар, тузилмалар кўп. Улар орасида йўналишлар қамрови ҳамда халқро микёсдаги обрў-эътибори жиҳатидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти алоҳида ўрин эгаллайди.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ НУФУЗЛИ ҲАМКОР

масалаларни кўтариб чиқди. Давлатимиз раҳбари кўп бор БМТ Бош қотиби ва бошқа юксак мартабали вакиллари билан учрашди.

Узбекистон 1992 йилнинг 2 мартидан эътиборан БМТ аъзосидир. Мамлакатимиз тарихида, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган ўша кундан бошлаб юртимиз байроғи мазкур ташкилотнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳи узра ҳиллаб турибди.

Узбекистон БМТни дунёда муқобили бўлмаган, ҳажонинг энг нуфузли тинчликпарвар ташкилоти, деб ҳисоблайди. Мамлакатимиз унинг бу борадаги сиёсатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ортбошимизнинг жорий йил 20 сентябрь кун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида ташкилот Бош қотибининг ваколатларини кенгайтириш, унинг имкониятларини мустақамлашни тақлим қилди.

Саккиз баробар кўпроқ Кўкумбой қишлоғидаги «Косонсой парранда» акциядорлик жамиятида лойиҳа қиймати бир миллиард 123,1 миллион сўмлик кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди.

Натижада бу ерда саноат усулида паррандаларни парвариш қилиш йўлига қўйилди. Хозир корхонада 50 мингта «Ломанн Браун» зотли товуқлар парвариш қилинмоқда.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Кўнғирот сода заводи» УНИТАР КОРХОНАСИ йилига 5 млн. дона қоп ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган усқунани етказиб бериш ва ўрнатиш учун танлов эълон қилади.

Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот тумани, Елобод кўрғони, «Кўнғирот сода заводи» унитар корхонаси.

Table with 6 columns: T/p, Ютуқ миқдори (сўм), Вилоят филиали, Туман (шаҳар) филиали, Жамғарма касса рақами, Омонат ҳисоб рақами. Lists various branches and account numbers.

Изоҳ: «Соврин» ютуқли омонати бўйича ютуқ соҳиблари ютуқларини олишлари учун «Ипотека-банк»нинг омонат ҳисобварағи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда олишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-89-56, 150-89-57. Хайъат раиси — Чирчиқ шаҳри ҳокими ўринбосари М. УМАРОВ. Масъул котиб — «Ипотека-банк» миғибанк ва жамғарма кассалар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бош мутахассиси Ф. НОРҚЎЗИЕВ.

SONATA Ҳўз йўлингни танла! Drive your way. HYUNDAI Official Partner. www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11



Мамлакатимизда спорт соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ҚУДРАТИ

“Спорт орқали боланинг дунёқарши ўзгаради. Кеча кўчада нима қилишни билмай юрган бола бирон-бир хунар ўрганиш, спорт машғулоти билан банд бўлса, ота-онасига ҳам бошқача кўз билан қарайди.



Оилада меҳр-оқибат, аҳиллик кучаяди. Айниқса, ўғил болалар спорт майдонларида мардлик мактабини ўтайдми, деб алоҳида таъкидлаганида Юртбошимиз. Давлатимиз раҳбарининг бундай фикр-мулоҳазалари ҳаётда кўп бор ўз исботини топган.

плекслари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бугун мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, бири-биридан чиройли, замон талабларига мос тарзда қурилган спорт мажмуаларига кўзингиз тушади.

ли мамлакатимизда оммавий, шу жумладан, футбол, бадий гимнастика сингари спорт турлари изчил ривожланмоқда.

қўв-йиғин машғулоти ва спорт фестивалларига юборилди. Натижада уларнинг халқро мусобақаларда эришган натижалари сезиларли даражада яхшиланди.

Яна бир муҳим жиҳат. Спорт билан мунтазам шуғулланганида юзлаб иқтидорли ёшларимизни ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

## Сана

олтин, 45 та кумуш ва 58 та бронза (жами 166 та) медалини қўлга киритди.

Жорий йилнинг шу кунига қадар ташкил этилган 39 та халқаро спорт мусобақаларида 483 нафар ёшлар (шундан 163 нафари қизлар) иштирок этди.

чилири орасидан саралаб олинган ёшлар эди. Умидли спортчиларимиз бу каби нуфузли мусобақада илк бор қатнашган бўлсалар-да, юртимизга учта бронза медали билан қайтиб келишди.

халлий корхоналаримизда ишлаб чиқарилган инвентарлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини доимо таъкидлаб келадилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий инновацион тизимни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляётгани, ишлаб чиқаришда инновацияларни жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш борасида улкан ишлар амалга ошириляётгани таъкидланди.

Навоий кон-металлургия комбинати бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерда мунтазам равидада ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга йўналтирилган янги илгор технологиялар ва техник ечимларни излаш ҳамда мамлакатимиз тоғ-кон саноатида қўлш ишлари олиб борилмоқда.

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

фалар йирик инвестиция лойиҳалари асосида умумий ресурсларни тежандиган технологияларни қўллаш орқали ҳал қилинмоқда.

— Ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни қўллаш сарф-харажатлар ҳамда вақтни тежаш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш имконини беради, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш-техник ва инновацион бўлими раҳбари Шавкат Мадаминов.

— Ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш учун 5,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилдагида 30 фоиз кўпдир. Комбинат қошида Ўзбекистон Фанлар академияси билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилувчи инновацион технологиялар маркази очилди.

Икки кунлик анжуман доирасида таълим, иқтисодиёт тармоқларида инновацион жараёнлар, табиий, минерал хом ашё ва ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишда инновацион технологиялар ва услублар, кончилик ва металлургия, технологик жараёнлар ва объектларни бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимлари каби масалаларга оид илмий-амалий ҳамда таълим йўналишлари бўйича маърузалар тингланади.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири.

Мамлакатимизда миллионлар ўйини — футболни ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

## Бўлажак Футбол Юлдузлари Тошкентда Беллашади

Эртага пойтахтимизда футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида XIV Осиё чемпионати бошланади.

Таъкидлаш жоизки, футбол мусобақасини ҳар жиҳатдан юксак савияда ташкил-лаштириш учун жиддий ҳозирчилик қилинди.

Ўзбекистон терма жамоаси “А” гуруҳида Тожикистон, Иордания ва Индонезия футболчилари билан кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боради.

“В” гуруҳи: Эрон, Сурия, Корея Халқ Демократик Республикаси, Уммон.

“С” гуруҳи: Шарқий Тимор, Япония, Австралия, Вьетнам.

“Д” гуруҳи: Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ, Кувейт.

Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоамизнинг Осиё чемпионатида пухта тайёргарлик қилиши учун барча шароитни яратиб берди.

Ўз навбатида, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан йирик

## Нафосат ва Маҳорат Мактаби

Гулистон шаҳридаги 2-сонли мусиқа ва санъат мактаби замонавий меъморий лойиҳалар асосида бунёд этилган муҳташам бинода ўз фаолиятини бошлади.

150 ўқувчига мўлжалланган ушбу санъат даргоҳини куриш учун 1 миллиард 718 миллион сўм сарфланди.

Ш. Холмуродов, «Халқ сўзи» мухбири.

## ОБ-ҲАВО (23 октябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража илик, кундузи 12-17 даража илик бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Харорат тунда 0-5 даража илик, кундузи 12-17 даража илик бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах

ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Харорат тунда 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илик бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 2-7 даража-илик, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона

вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Тунда 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илик бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қутилмайди. Харорат тунда 1 даража совуқ билан 1 даража илик атрофида, кундузи 13-15 даража илик бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ХАРИДОРЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни таклиф этади: экологик хавфсиз, диаметри 25 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар; турли рангдаги, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композит панеллари; деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерлар учун томчилатиб сугориш тизимининг бутловчи қисмлари.

ЦЕМЕНТ (ш.қ.қ.д.д) 169,2 ▼ -25,2 ЦЕМЕНТ (ш.қ.қ.д.д) 158,0 ▼ -3,9 АРМАТУРА 1320,0 ▼ -976,0 ШИФЕР (1 лист) 14809 ▼ -440 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га оборино.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девоиҳона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлабмақал тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.20 Топширилди — 23.25

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Жоинхонов. Навбатчи — З. Жоинбеков. Мусоҳиҳ — С. Исломов. 1 2 4 5